



MOLIYA VA BANK ISHI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BANK-MOLIYA AKADEMIYASI ILMIY JURNALI



СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВА ТАЪЛИМ СОҲАЛАРИНИНГ МАҚСАДЛИ ИНДИКАТОРЛАРИНИНГ ИЖРОСИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ, БАҲОЛАШДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.

Хушмуротов Зойир Бектемирович

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Давлат бюджети сиёсати департаменти бош мутахассиси.

Банк молия академиясининг мустақил тадқиқотчиси

Ёзишмалар учун электрон почта: Xushmurotov@imv.uz

Мақола ҳақида маълумот

Тошпирилган вақти: 02.04.2024

Қабул қилинган вақти: 04.04.2024

Таянч сўз ва иборалар: Дастурий
бюджетлаштириш,
ривожлантириш дастури,
мақсадли индикатор, натижага
йўналтирилган, мақсадли
индикаторларни баҳолаш ва
мониторинг қилиш,
бюджетлаштириш.

Аннотация

Мақолада, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларининг мақсадли индикаторларининг ижроси бўйича ҳисоботларни шакллантириш механизмлари, мақсадли индикатор кўрсаткичларини мониторинг қилиш ва баҳолаш тартибларини таҳлил қилинган. Мақсадли индикаторларининг ижроси бўйича ҳисоботларни марказлаштирилган стандартлаштирилган электрон тизим орқали шакллантириш йўллари тўғрисида илмий хулосалар ва амалий таклифлар келтирилган.

IMPROVING THE PROCEDURE FOR MONITORING AND ASSESSING PERFORMANCE OF TARGET INDICATORS OF HEALTH AND EDUCATION AREAS.

Khushmurotov Zoyir Bektemirovich

Chief specialist of the State Budget Policy Department of the Ministry of Economy and Finance.

Independent Researcher of the Banking and Finance Academy

Corresponding author: email: Xushmurotov@imv.uz

ARTICLE INFO

Received: 02.04.2024

Accepted: 04.04.2024

Key words: Program budgeting,
development program, target
indicator, result-oriented budgeting,
evaluation and monitoring of target
indicators, budgeting.

Abstract

In the article, the mechanisms of reporting on the implementation of the target indicators of the health and education sectors, the monitoring and evaluation procedures of the target indicators are analyzed. Scientific conclusions and practical suggestions are presented on ways of forming reports on the performance of target indicators through a centralized standardized electronic system.

Кириш

Мамлакатимизда Иқтисодий диверсификациялаш, трансформацион характердаги иқтисодий муносабатлар шароитида молия-кредит, бюджет ва солиқ сиёсати юритилиб, бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос ижтимоий йўналтирилганлиги ва ислохотларнинг босқичма-босқич амалга ошириш йўли танланган. Шу сабабли, мамлакатимизда бозор муносабатларининг шаклланишига оид туб иқтисодий ислохотларнинг ўтказилиши давлат молия-бюджет ва солиқ сиёсати йўналишларини такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Дастурий бюджетлаштириш (ДБ) ана шундай вазифалардан бири бўлиб, давлат бюджети ижросининг самарадорлигини ошириш, бюджет харажатларининг натижаларга эришилиши, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини янада такомиллаштириш, мамлакат барқарорлигида бюджет муносабатларини такомиллаштириш ва уларнинг барқарорлигини таъминлаш каби масалаларни ижобий ҳал этиш имкониятларини яратди. Дастурий бюджетлаштириш бу бюджетни шакллантириш методи бўлиб, бюджетни шакллантириш жараёни бюджет доирасида амалга ошириладиган дастурларга асосланади. Дастур муайян натижаларга эришишга қаратилган ҳаракатлар (чора-тадбирлар) мажмуидир. Дастурлар асосида бюджетни ишлаб чиқиш батафсил молиявий маълумотлардан ташқари, дастур билан боғлиқ маълумотларни ҳам киритишни талаб қилади.

Дастурий бюджетлаштиришни жорий этишнинг асосий мақсади давлат молиясини бошқариш самарадорлигини оширишдир. Давлат харажатлари самарадорлигини ошириш тўғридан-тўғри давлат хизматлари самарадорлигини ошириш билан боғлиқ илмий-тадқиқотлар кўламини янада кенгайтиришни тақозо этади. Энг замонавий инструмент бўлган дастурий бюджетлаштириш тизимини жорий этилиши бюджет жараёнининг барча иштирокчиларини бюджет қарорларини қабул қилиш ва унинг бажарилишини назорат қилиш жараёнига қўшилишига ёрдам беради. Жамият сиёсий тизимининг асосий элементи бўлган давлатнинг мақсадлари, вазифалари ва функциялари давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали очиб берилади.

Республикаимизда йиллик бюджетни шакллантиришнинг янги «натижага йўналтирилган бюджет» тизимини жорий этиш «2020-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегияси»нинг муҳим мақсадларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар бюджет лойиҳасини ишлаб чиқиш ва унинг ижросини таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигини тезкор амалга оширишни такомиллаштириш мақсадида режалаштирилган бюджет жараёнидан дастурий бюджетлаштириш тизимини жорий этиш зарурияти пайдо бўлмоқда.

Адабиётлар шарҳи

Давлат молиясини бошқариш ва уни самарали амалга ошириш методологиясини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштиришнинг айрим муаммолари бўйича хорижий етакчи иқтисодчи олимлардан Л. Мулендеева, Н. Истомина, О.Б. Дигилина, Д.Бахран, Ш.Соян, А.Пенчук, Т.Переверзева, В.В. Вагин, Н.А. Шаповалова, В.А. Паксиваткина, И.В. Петрова, Аллен Счиск, Л. Тулкофф, С. Гордон, Д. Дубин, П. Ваде, Хинкле, Экатерине Гунтсадзе, М.Афанасев, В.Габукин, А.В. Горшенин, Р.И. Акмаева кабиларни киритиш мумкин. Жумладан, Экатерине Гунтсадзе Грузия молия вазирлигида ишлаган ҳолда дастурий бюджетлаштириш тизимини жорий этиш юзасидан бюджет ташкилотларининг бюджет дастурларини ишлаб чиқишга оид тадқиқотларни амалга оширган бўлса, А.Бланкенагел ўз илмий ишларида Германияда молиявий аудитнинг қўлланилиши жараёнларини тадқиқ қилган. В.Габукин Бюджет жараёнидаги инновациялар, бюджетлаштиришга қаратилган натижа бўйича илмий тавсияларни берган бўлса, М. Афанасев ўз тадқиқотида натижаларга асосланган бюджетлаштиришга эътиборни қаратган. Р.И. Акмаева эса, Стратегик режалаштириш ва стратегик бошқарув, молия ва статистикага бўйича таҳлиларни амалга оширган, А.В. Горшенин Бюджет хизматлари нархини ҳисоблашда юзага келадиган муаммолар бюджетни режалаштириш жараёни бўйича тадқиқотларни амалга оширилган.

Маҳаллий иқтисодчи олимлардан С.Элмирзаев, А.В.Ваҳобов, Г.А.Қосимова, Н.Жумаев, Б.Туропов, А.Исломқулов, Н.Э.Жиянова, А.Жабборов, Ш.Гаффоров, Г.Ахмедова, З.Ҳамидовалар томонидан илмий-тадқиқотларида давлат молиявий аудити билан боғлиқ масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Олимларнинг изланишлари натижасида Дастурий бюджетлаштириш тизимини назарий услублари ёритилган.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотда таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли ёндашув, абстракт-мантиқий фикрлаш, монографик кузатув, статистика, иқтисодий таҳлил ҳамда иқтисодий-математик усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

2021 йилда дастлаб 4 та вазирлик мисолида Соғлиқни сақлаш, Сув хўжалиги, Халқ таълими, Сув хўжалиги вазирликлари ва Автомобил йўллари қўмитасининг бюджет харажатларининг мақсадли индикаторларнинг жорий этиш билан уларни ҳисоботларини ижросини ҳисоботларни шакллантириш, мониторинг қилиш ва баҳолаш амалиёти ҳам босқичма-босқич жорий этилган. Мақсадли индикаторларининг ижросини баҳолаш вазирлик ва идораларнинг Ички аудит хизмати томонидан амалга оширилган.

Дастлабки йиллар қуйидаги критериялар орқали баҳолаш амалга оширилган:

-ҳисоботда келтирилган мақсадли индикаторларнинг улар белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлиги ва тўлиқлиги ҳамда барча мақсадли индикаторларнинг ижроси тўғрисида маълумотлар акс эттирилганлигини ўрганиш;

-мақсадли индикаторларнинг ижроси бўйича ҳисобот маълумотлари статистик маълумотларга мувофиқ тўғри шакллантирилганлигини таҳлил қилиш;

-тегишли масъул бўлинмалар томонидан мақсадли индикаторларнинг бажарилиши бўйича маълумотларни шакллантириш тизимининг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш;

-мақсадли индикаторларнинг бажарилиши бўйича аниқланган муаммоли ҳолатларни таҳлил этиш;

-ҳисобот йилидаги амалдаги мақсадли индикаторларининг кўрсаткичларини ўтган йилнинг тегишли кўрсаткичлари билан таққослаш асосида самарадорлигини таҳлил қилинган.

1-жадвал

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил учун Давлат дастурлари ва бюджет харажатларини мақсадли индикаторларининг ижроси тўғрисида ҳисобот.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги	млрд сўм	2 151,6	2 574,7	2 232,1	-342,6	86,7
Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳамда ногиронликнинг олдини олиш Давлат дастурлари	млрд.сўм	321,3	361,2	342,3	-18,9	94,8
Болаларни вакцинация қилиш дастури	млрд.сўм	198,6	198,6	198,2	-0,4	99,8
Иммунизация миллий дастурига асосан 12 турдаги вакцина билан эмланадиган болаларнинг қамрови	фоизда	100,0	100,0	99,0	-1,0	99,0
Одам папилломаси вируси (HPV) га қарши вакцина билан эмланадиган 9 — 12 ёшдаги ўсмир қизларнинг қамрови	фоизда	50,0	50,0	50,0		100,0
Нейросенсор карлик ёки заиф эшитадиган болаларда кохлеар имплантатлардан фойдаланган ҳолда операциялар ўтказиш дастури	млрд.сўм	27,8	65,1	61,4	-3,7	94,3
Кохлеар имплантатлар билан таъминланадиган нейросенсор карлик ва (ёки) заиф эшитадиган болалар миқдори	нафар	350,0	350,0	114,0	-236,0	32,6

2-жадвал

Халқ таълими вазирлигининг (Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги) Давлат дастурлари ва бюджет харажатларини мақсадли индикаторларининг 2021 йиллик ижроси тўғрисида ҳисобот

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги	млрд сўм	3 314	4 301,5	4 167,8	-133,7	97
Халқ таълимида ўқитиш самарадорлигини ошириш ва кадрларнинг сифат таркибини яхшилаш ва ривожлантириш дастури	млрд. сўм	593,9	591,4	591,4	0,0	100

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги	млрд сўм	3 314	4 301,5	4 167,8	-133,7	97
Инглиз тилини билиш Европа Иттифоқи талаблари C1-CEFR даражасига мувофиқ билимга эга бўлган инглиз тили ўқитувчиларнинг улуши	фоизда (жами инглиз тили ўқитувчилари сонига нисбатан)	10,0	10,0	11,6	1,6	116
Умумтаълим мактабларидаги олий тоифали ўқитувчиларнинг улуши	фоизда (жамига нисбатан)	4,0	4,0	6,0	2,0	149
Умумтаълим мактабларидаги биринчи тоифали ўқитувчиларнинг улуши	фоизда (жамига нисбатан)	15,0	15,0	19,9	4,9	133
Умумтаълим мактабларидаги иккинчи тоифали ўқитувчиларнинг улуши	фоизда (жамига нисбатан)	35,0	35,0	35,1	0,1	100
Умумтаълим мактабларидаги малака тоифасига эга бўлмаган олий маълумотли ўқитувчиларнинг улуши	фоизда (жамига нисбатан)	39,0	39,0	31,8	-7,2	123
Умумтаълим мактабларидаги малака тоифасига эга бўлмаган ўрта махсус маълумотли ўқитувчиларнинг улуши	фоизда (жамига нисбатан)	7,0	7,0	7,2	0,2	97
Сифатли таълим олиш шароитларини яхшилаш дастури ривожлантириш дастури	млрд. сўм	325,6	330,0	330,0	0,0	100
Аниқ ва табиий фанларга ихтисослашган умумтаълим муассасаларининг улуши	фоизда (жамига нисбатан)	3,0	3,0	3,0	0,0	101
	мактаб сони	296,0	296,0	301,0	5,0	102
Математика фанига ихтисослашган мактаблар	дона	113,0	113,0	113,0	0,0	100
Кимё ва биология фанларига ихтисослашган мактаблар	дона	87,0	87,0	89,0	2,0	102
Ахборот коммуникация технологияларига ихтисослашган мактаблар	дона	96,0	96,0	99,0	3,0	103

2022 йилда 40 та вазирлик ва идораларнинг мақсадли индикаторлари ишлаб чиқилди, унда вазирлик ва идораларнинг 31,7 трлн.сўм бюджет ёки давлат бюджети харажатларнинг 15,2 фоизи, 561 та индикаторлар билан қамраб олинди.

Мақсадли индикаторларининг ижросини мониторинг қилиш ва баҳолаш қуйидаги тартибда амалга оширилди:

-ҳар бир вазирлик ва идора раҳбарининг мақсадли индикаторларнинг ижроси бўйича ҳисоботлари Олий Мажлис палаталарида эшитиб бориши амалиёти жорий этилди;

-мақсадли индикаторларининг ижроси бўйича ҳисоботларини қабул қилиш УзАСБО дастури орқали автоматлаштирди;

-Openbudget.uz сайтида мақсадли индикаторларнинг ижроси жамоатчилик учун чоп этилиши йўлга қўйилди.

2024 йилда 37 та вазирлик ва идораларнинг мақсадли индикаторлари ишлаб чиқилди, унда вазирлик ва идораларнинг 574 та индикаторлар билан қамраб олинди.

Мақсадли индикаторларининг ижросини мониторинг қилиш ва баҳолаш қуйидаги тартибда

амалга оширилди:

-вазирлик ва идораларнинг мақсадли индикаторлари шакллантириш УзАСБО дастури орқали автоматлаштирилган, Openbudget.uz сайтида мақсадли индикаторларнинг ижроси жамоатчилик учун чоп этилиши йўлга қўйилган;

вазирликлар ва идоралар раҳбарлари бюджетдан ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши ва мақсадли индикаторларнинг тўлиқ бажарилиши учун шахсан масъул ҳисобланади;

-вазирликлар ва идоралар мақсадли индикаторларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг йигирманчи санасига қадар Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этади ҳамда йигирма бешинчи санасига қадар ўз расмий веб-сайтларида жойлаштириб боради;

-ҳар чорак якуни бўйича ҳар бир вазирлик ва идоранинг мақсадли индикатор кўрсаткичлари бажарилиши Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида тизимли ва танқидий таҳлил қилинади. Бунда, вазирликлар ва идораларнинг мақсадли индикатор кўрсаткичлари бажарилишида сусткашлик ва масъулиятсизликка йўл қўйган тегишли вазирлик ва идора раҳбарларига таъсирчан чоралар кўрилади.

-Ҳисоб палатаси томонидан ҳисобот йили якуни бўйича биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан фойдаланиши билан боғлиқ мақсадли индикаторлари бажарилишини аудитдан ўтказилади.

2024 йилнинг 4 январида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Дастурий бюджетлаштириш тизимини жорий этишда бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет дастурларини ишлаб чиқиш, мониторингини юритиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш тартибини тасдиқлаш ҳақидаги 4-сонли қарори тасдиқланди.

2025 йилда юқоридаги низом талабларидан келиб чиқиб, 2 та вазирлик идора мисолида бюджет харажатларини бюджет дастурлари кесимида синов тариқасида ишлаб чиқиш ва унинг мониторинги ва баҳолашини низом талаблари доирасида амалга ошириш режалаштирилган.

Хорижий тажрибани Жанубий Африка тажрибасини ўрганганимизда Бюджет ва лойиҳаларни бошқаришда мониторинг ва баҳолашда қуйидаги саволлар берилиши маълум бўлди:

Самарадорлик: бюджет ёки лойиҳа ўз мақсадлари ва натижаларига эришяптими?

Самарадорлик: бюджет ёки лойиҳа доимий молиялаштиришни оқлайдиган самарали тарзда амалга оширилмоқдами?

Муҳимлиги: бюджетдаги лойиҳалар ҳали ҳам давлат эҳтиёжларига мос келадими?

Таъсир: лойиҳанинг бенефициарларига қай даражада ижобий ёки салбий таъсир кўрсатди ёки лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида хатти-ҳаракатларда бирон бир ўзгариш юз бердимми?

Жавоб: мақсадли бенефициарларни қабул қилиш ва ҳамкорлик даражаси қандай бўлди (бу лойиҳа бенефициарларнинг эҳтиёжларини қондираётганлигини ва у тўғри ишлаб

чиқилганлигини кўрсатади)?

Сабаблилик: Қандай омиллар ёки ҳодисалар бюджет ёки лойиҳани амалга ошириш ва бажаришга таъсир қилди?

Мониторинг ва баҳолашда мақсадлар иерархияси: Давлат бюджети ёки лойиҳаларини мониторинг қилиш ва баҳолашда турли даражадаги мақсадлар ва мақсадлар, жумладан, кириш, фаолият, чиқиш, натижа ва таъсир даражасидаги натижалар кўриб чиқилиши ва ҳисобот бериши керак.

Талаб этиладиган ресурс: ишлаб чиқаришнинг кутилаётган даражаси учун амалга оширувчи бўлинмага ажратилган ресурслар. Ресурслар керакли маҳсулот даражасига эришиш учун бюджетга ажратилган пул, одамлар ва машиналарни ўз ичига олиши мумкин. Талаб этиладиган ресурс мониторинги ва баҳолаш зарур, чунки бу бюджет ёки лойиҳанинг бошқа даражадаги мақсадларига эришиш учун асосдир.

Фаолият: зарур хизматларни тақдим этиш бўйича ҳукуматнинг турли вазифалари; Булар тўғридан-тўғри ҳукумат амалдорлари томонидан амалга оширилади ёки асосий давлат қоидалари ва қоидалари доирасида ташқи экспертлар билан шартнома тузилади. Уларнинг барчаси ижрочи агентлик даражасида амалга оширилади.

Бевосита натижа кўрсаткичлари: бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ва ҳар бир тадбир учун сотиб олинган товарлар ҳажмини тавсифловчи кўрсаткич.

Якуний натижа кўрсаткичи: Маълум бир маълумот бирлигидан фойдаланган ҳолда яратилган ва тақдим этилган натижалардан кутилаётган фойда (Қишлоқнинг 1200 дан ортиқ аҳолиси соғлиқни сақлаш эҳтиёжлари учун фойдаланадиган функционал бирламчи тиббий клиника).

Таъсирлар: тўғридан-тўғри ёки билвосита кўрсатиладиган хизматлардан жамиятнинг турмуш даражасининг якуний яхшиланиши (масалан, оналар ўлими ва беш ёшгача бўлган болалар ўлимининг қисқариши).

Мониторинг ва баҳолаш воситалари: давлат ҳукумати бюджет ва лойиҳаларни самарали мониторинг қилиш ва баҳолаш воситаларини ишлаб чиқиши керак. Ушбу воситалар иш режалари ва тараққиёт шарҳларини ўз ичига олиши мумкин.

Шунингдек, бюджет лойиҳаларининг мантиғини аниқлаб бериш ва мақсад ва натижа ўртасидаги боғлиқликни, мақсадларнинг даражалари ёки иерархиясини (Талаб этиладиган ресурс, бевосита натижа кўрсаткичлари, якуний натижа кўрсаткичлари ва таъсирлар) ва уларга қандай эришиш ва вақт ўтиши билан ўлчаш мумкинлигини аниқ кўрсатиш керак.

Иш режасида бюджет ёки лойиҳа цикли давомида нима қилиш кераклиги жадвал ва кетма-кетликда кўрсатилиши керак:

-амалга ошириладиган тадбирлар ва уларнинг натижалари;

-уларнинг режалаштирилган бошланиш ва тугаш саналари;

-фаолиятни амалга оширадиган шахс(лар), ташкилот ва/ёки муассасалар фаолиятларнинг нархи.

Ривожланишни кўриб чиқиш ҳақиқатда бажарилган ишларни текширилади ва қуйидаги саволларга жавоб олинади:

- режага мувофиқ Талаб этиладиган ресурслар мавжудми?
- иш режасига мувофиқ амалга ошириладиган тадбирлар?
- кўзда тутилган бевосита натижа кўрсаткичларига

эришилмоқдами?

- амалга ошириш жараёнида фаолиятга киритилган ўзгаришлар борми?
- амалга ошириш жараёнида муаммолар ва қийинчиликларга дуч келдингизми?
- тузатиш чоралари кўрилганми ёки режалаштирилганми?



1-расмда Бюджет дастурларининг барча мақсадли кўрсаткичлари алоҳида тартибда баҳолаш амалга ошириш кўрсатилган.

Харажатлар таҳлили: бунда албатта тадбирларни иқтисодий жиҳатдан самаралиги баҳолаши лозим.

Иқтисодий баҳолаш: харажат-натижалари баҳоланади.

Диагностик: асосий вазият ва муаммонинг асосий сабаблари баҳоланади.

Таъсирни баҳолаш: аралашув натижа таъсир кўрсатганлиги баҳоланди.

Амалга оширилган ишларни баҳолаш: нима бўлмоқда ва нима қилинганлиги баҳоланади.

Хулоса ва таклифлар

Соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларининг мақсадли индикаторларининг ижроси бўйича ҳисоботларни шакллантириш, мониторинг қилиш, баҳолашдан ўтказиш учун юқорида кўриб чиққан ўзгаришлар назариясидан фойдаланиш таҳлил қилиш орқали маълумотларни шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Вазирлик ва идораларнинг бюджет дастурларини ижросини баҳолашга мустақил институтларни жалб қилиш тартибини жорий қилиш.

Вазирлик ва идораларнинг бюджет дастурларини ижросини мониторинг қилиш тартибини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Вазирлик ва идораларнинг бюджет дастурларини

ижросини юзасидан жамоатчилик фикрини билдирувчи электрон тизимни жорий қилиш лозим.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш мумкинки бюджет дастурларини баҳолашда харажатлар таҳлили, иқтисодий баҳолаш, диагностика, таъсирни баҳолаш, амалга оширилган ишларни баҳолаш методларини жорий қилиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон республикасида дастурий бюджетлаштириш тизимини жорий этишда бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет дастурларини ишлаб чиқиш, мониторингини юритиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 4-сон қарорининг 2-5 бетлар.
2. Бирлашган БМТнинг Болалар фонди (ЮНИСЕФ) ва БМТнинг Тараққиёт Дастури (БМТТД) доираси жалб қилинган эксперт Йорг Надолльнинг ҳисоботи 113-6.
3. "PEMPAL" Бюджет жамиятининг 2020 йил июн ойидаги ҳисоботи, BOP@worldbank.org.
4. "Tanzi, V. (2000). "Globalization, "Technological

- Developments, and the Work of Fiscal Termites”, Working Paper No.00/181, IMF
5. OECD Best Practices for Performance Budgeting Ts. Andrew.Blazey@oecd.org, Sherie.Nicol@oecd.org
 6. Program Classification for Performance-Based Budgeting: How to Structure Budgets to Enable the Use of Evidence, https://ieg.worldbankgroup.org/sites/default/files/Data/reports/performance_based_budgeting_bb.pdf
 7. И.А. Азизова Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш. Тошкент – 2010й.